

Мисвок ёки новдотерапия



07:35 / 22.10.2018 6516

Зайд ибн Холид розияллоху анхудан ривоят қилади: **“Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Агар умматимга машаққат бўлишини ўйламаганимда, албатта, уларни ҳар намоздан олдин мисвок қилишга амр этар эдим”.**

Юз йиллар давомида Осиёнинг ўрта шарқ минтақалари аҳолиси тишларини Арак дарахтининг кичик шохлари ёки томирлари ёрдамида тозалашган.

Мисрда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, новдаларнинг ишлатилиши нафақат тиш карашларидан тозалайди, балки уларнинг қолдиқлари (мисвокнинг) икки кундан сўнг ҳам бактериялардан тозалаб тураркан. Мисвок тортилган оғизни бир чайилса, бир турдаги бактериялар сони 75 фоизга камаяр экан.

Бир қатор тиш пасталарида ҳам мисвок доначалари мавжуд бўлади. Ўша вақтлардаги миллий тиш пасталарининг асосида тозалаш учун чархтош ва синтетик жисмлар бўлиб, кичкинагина чўпчали пасталарда табиий антисептик воситалар ва микробларга қарши қоришмалардан фойдаланилган.

Бундан ташқари, чўпчалар таркибида милклардан қон оқиши ва уларнинг яллиғланишини камайтирадиган танин мавжуд. Мисвокдан

фойдаланувчилар улар тишларнинг доғларини кетказувчи энг яхши восита эканлигини ҳамда уларни тиш чёткалари билан ишлатилса, тишлар янада оқ ва ярқироқ бўлишини таъкидлашади. Агар сиз новдачадан фойдалансангиз, бу жуда осондир, дейди стоматолог Эрик Шапира. Уни юмшатиш учун бошида новдачани секинлик билан чайнанг. Сўнг тишларингиздаги карашларни тозалашга киришинг. Дарахтда карашларни камайтирадиган ёғлар мавжуд. Новдачани пластик ҳолатига келтириш учун 5 дан 10 дақиқа, сўнг ҳар бир тиш атрофи ва улардан карашларни кетказиш учун яна 3-5 дақиқа керак бўлади.

Кўпгина Африка мамлакатларида аҳоли оғиз бўшлиғидаги карашларни кетказиш учун “чайнаш учун новдачалар”дан фойдаланишади. Шарқий Африкада Салвадор персикаси, Нигерияда эса Фагара шимперилари ва ҳ.к.лар ишлатилади.

Қизиғи шундаки, новдачаларни ишлатадиган африкаликларда кариеслар одатдагидан анча кам бўлади, ушбу табиий воситаларнинг таъсири тиш чёткаларидан ҳеч ҳам қолишмайди.

Иллинойс университети олимлари етти йиллик изланишлардан сўнг новдачалардан кариесларнинг пайдо бўлиши ва бактерияларнинг кўпайишига қаршилик қиладиган олтита кимёвий восита борлигини аниқлашган. Бундан ташқари, бу дарахтларнинг бир қанчаси таркибида кариесга қарши таъсирга эга бўлган фтор моддаси мавжуд бўлади.

“Биз изланишларда давом этамиз, - дейди Иллинойс университети профессори Кристин. Бир қатор компаниялар бизнинг ишимиз билан қизиқиб қолдилар ва улар ўзларининг маҳсулотларида ушбу “табиий” компонентлардан фойдаланмоқчилар”.

Islom.uz портали таҳририяти